

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири



Ш.Хамраев

2024 йил 24 июнь

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг қўшма йиғилиши

БАЁНИ – 3

2024 йил 24 июнь

Тошкент шаҳри

Раислик Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири
қилди: Ш.Хамраев

Қатнашганлар:

Республика студиясида: Жамоатчилик кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлик марказий аппарати Ёшлар етакчиси, хотин-қизлар кенгаши раиси, Касаба уюшмаси раиси (*рўйхат бўйича*)

Ҳудудий студияларда: Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари, ҳудудий ташкилотлар Жамоатчилик кенгаши раиси, Ёшлар етакчиси, хотин-қизлар кенгаши раиси, Касаба уюшмаси раиси (*рўйхат бўйича*).

I. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини танқидий муҳокама қилиш, кенгаш ишини такомиллаштириш, янги режа ва мақсадларни белгилаб олиш, тизимда жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисида.

(Хамраев, Мухаммадназаров, Мажидов, Қаландаров, Икрамова,
Нуриддинова, Хамраев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида давлат органлари

ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилган. Унга асосан, жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилиши, у ўз ишини жамоатчилик асосида олиб бориши ҳамда доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиши, унинг қарорлари тавсиявий ҳусусиятга эга ҳисобланиши назарда тутилган.

Йиғилишда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев Жамоатчилик кенгашининг ўтган тўрт йиллик даврдаги фаолиятини таҳлил қилар экан, кенгаш номигагина, расмиятчилик учун фақат қоғозда иш юритганлигини, реал ҳаётда кенгаш аъзоларининг ўрни ва роли деярли сезилмаганини таъкидлади.

Жорий йил май ойида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолияти бўйича жамоатчилик мониторинги ўтказилган. Унинг хулосасига кўра, айрим камчиликлар аниқланган.

Йиғилишда ушбу камчиликлар бартараф этилганлигини эътироф этилди. Вазирлик тизимидаги ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари, касаба уюшма раислари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича таклифлар тингланди.

Мухокамалар натижасидан келиб чиқиб,

Қарор қилинди:

1. Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши (Мухаммадназаров) фаолияти етарли даражада эмаслиги, кенгашнинг бошқа жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилмаганлиги **танқидий кўрсатиб ўтилсин.**

2. Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши **ҳар чоракда 1 марта** ўз йиғилишларини ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама қилишни ва вазирлик раҳбариятига таклифлар киритишни йўлга қўйсин.

3. Ахборот хизмати бошлиғи (Суюнов) **бир ҳафта муддатда** Жамоатчилик кенгашининг йиллик иш режасига ўзгартириш киритиш, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан вазирлик раҳбариятининг ҳисоботлари

ва ахборотини эшитиш каби тадбирларни ўтказиш бўйича таклиф киритсин.

4. Стратегик режалаштириш ва методология бўлими (Лапасов) **2024 йил август ойида** вазирлик раҳбариятининг тизим ташкилотлари ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш ишлари тўғрисида Жамоатчилик кенгаши олдида ҳисобот беришини ташкил қилсин.

5. Республика тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларига:

икки ҳафта муддатда ўз ташкилоти ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар, касаба уюшмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин, бажарилган ишлар ҳақида раҳбариятга ҳисобот киритсин.

6. Мазкур йиғилиш қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

✍: Ш.Суюнов

☎: (71) 202-47-84

ва ахборотини эшитиш каби тадбирларни ўтказиш бўйича таклиф киритсин.


4. Стратегик режалаштириш ва методология бўлими (Лапасов) **2024 йил август ойида** вазирлик раҳбариятининг тизим ташкилотлари ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш ишлари тўғрисида Жамоатчилик кенгаши олдида ҳисобот беришини ташкил қилсин.

5. Республика тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларига:

икки ҳафта муддатда ўз ташкилоти ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар, касаба уюшмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин, бажарилган ишлар ҳақида раҳбариятга ҳисобот киритсин.

6. Мазкур йиғилиш қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

✍ Ш.Суюнов
☎: (71) 202-47-84



(Лапасов)



(Шарипов)

ва ахборотини эшитиш каби тадбирларни ўтказиш бўйича таклиф киритсин.

4. Стратегик режалаштириш ва методология бўлими (Лапасов) **2024 йил август ойида** вазирлик раҳбариятининг тизим ташкилотлари ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш ишлари тўғрисида Жамоатчилик кенгаши олдида ҳисобот беришини ташкил қилсин.

5. Республика тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларига:

икки ҳафта муддатда ўз ташкилоти ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар, касаба уюшмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин, бажарилган ишлар ҳақида раҳбариятга ҳисобот киритсин.

6. Мазкур йиғилиш қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ш.Суюнов
(71) 202-47-84

